



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 8 » iyul № 373

Toshkent sh.

### **Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 20 декабрдаги ПҚ–55-сон қарорига асосан Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформасидан фойдаланиш, шу жумладан, кредитларни ажратиш, расмийлаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг ўзаро электрон ҳамкорлигини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 20 декабрдаги ПҚ–55-сон қарорига мувофиқ “Агробанк” АТБ, АТ “Халқ банки” ва “Микрокредитбанк” АТБ (кейинги ўринларда – тижорат банклари) томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар тўлиқ рақамлашган ҳолда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси (кейинги ўринларда – Ягона электрон платформа) орқали ажратилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат дастурлари доирасида кредит олиш учун аризаларни барча босқичларда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали онлайн тарзда кўриб чиқиш;

кредит ажратиш бўйича ҳужжатларни электрон кўринишда шакллантириш;

кредитларни Ягона электрон платформа орқали, белгиланган мезонлар асосида скоринг баҳолаш натижаларига кўра автоматлаштирилган ҳолда ажратиш;

ҳоким ёрдамчилари томонидан кредит ажратиш учун тавсиянома ёки кредит ажратишни рад этиш тўғрисидаги хулосаларни тақдим этиш;

ажратилган кредитлар ҳисобидан товар ва хизматларни Ягона электрон платформада яратилган “маркетплейс” тизими ёрдамида эркин сотиб олиш ёки сотиш;

маҳсулот етказиб берувчилар томонидан қарз олувчиларга маркетплейс тизимида танлаган товар ва хизматларни етказиб бериш ва ушбу тизим орқали электрон ҳисоб-фактураларни расмийлаштириш.

### 3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Ягона электрон платформани такомиллаштириб бориш;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, аҳоли ўртасида кенг ёритилишини таъминлаш;

маҳсулот етказиб берувчи тадбиркорлик субъектларини Ягона электрон платформада иштирок этишга жалб қилиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитлар ва лойиҳалар юзасидан амалга оширилган ишларга оид махсус кўрсатувлар, ижтимоий рекламалар ва роликларнинг мунтазам намойишини йўлга қўйиш тавсия этилсин.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М. Холхўжаев – ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда дастурлар доирасида ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг самарадорлигини мониторинг қилиб бориш ҳамда кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши бўйича сектор раҳбарлари билан биргаликда тегишли чораларни кўришга масъул ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “8” июл даги 373-сон қарорига  
илова

## **Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали кредитлар ажратиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари (кейинги ўринларда – дастурлар) доирасида тижорат банклари томонидан кредитларни Ягона электрон платформа орқали ажратиш тартибини белгилайди.

2. Дастурлар доирасида кредитлар қарз олувчиларга тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш, хунармандчиликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳолига қўшимча даромад манбаи яратиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадлари учун ажратилади.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**худудий марказлар** – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, бандлик, молия, инвестиция, солиқ, оила ва хотин-қизлар, статистика бўлинмалари, худудий Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши худудий бўлинмаларининг раҳбар ва ходимларидан иборат таркибда тузиладиган худудий Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари;

**туман (шаҳар) марказлари** – туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида туман (шаҳар) иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, бандлик, молия, инвестиция, солиқ, оила ва хотин-қизлар, статистика бўлинмалари, туман Савдо-саноат палатаси бўлими, тижорат банклари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши туман бўлинмаларининг раҳбар ва ходимларидан иборат таркибда тузиладиган туман (шаҳар) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари;

**ҳоким ёрдамчиси** – ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиси лавозимига тайинланган шахс;

**қарз олувчи** – тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ва ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар, кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда хунармандлар;

**тавсиянома** – ҳоким ёрдамчиси томонидан ўзига бириктирилган маҳаллада қарз олувчининг аризасига асосан жойига чиққан ҳолда, дастурлар доирасида кредитлар ҳисобидан ўзини ўзи банд қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг имкониятлари, шароитлари ҳамда етарли билим ва тажрибасини пухта ўрганиш орқали кредит ажратиш тўғрисидаги хулоса асосида бериладиган тавсия;

**Ягона электрон платформа** – дастурлар доирасидаги кредитларнинг тўлиқ рақамлашган ҳолда ажратилишини таъминлайдиган Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси (oilakredit.uz);

**маҳсулот етказиб берувчи** – маркетплейс тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, қарз олувчи томонидан танланган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи тадбиркорлик субъектлари;

**маркетплейс тизими** – Ягона электрон платформада ажратиладиган кредитлар ҳисобидан товарларни (ишларни, хизматларни) бозор тамойиллари асосида эркин сотиб олиш ёки сотиш хизматларини таклиф қилиш ҳамда қарз олувчилар томонидан маҳсулот етказиб берувчиларни мустақил танлаш имкониятини берадиган электрон савдо майдони;

**Ноҳалол таъминотчилар реестри** – мазкур Низомнинг 8-бобида белгиланган талаблар асосида маркетплейс тизимидан четлатилган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати.

4. Дастурлар доирасида лойиҳаларни молиялаштириш учун кредитлар фақат Ягона электрон платформа орқали ажратилади.

Дастурлар доирасида аризаларни Ягона электрон платформа орқали белгиланган тартибда кўриб чиқмасдан аҳолига товарларни марказлашган тартибда олиб келиб, олдиндан тарқатиш ва тавсияномалар бериш масаласида ҳоким ёрдамчиларига тазйиқ ўтказиш ман этилади.

5. Дастурлар доирасида кредитлар:

илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтариш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

савдо-воситачиликни амалга ошириш;

умумий овқатланиш ташкилотларининг айланма маблағларини шакллантириш;

ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мулкни (мебель, уяли телефон, маиший техника ва бошқалар) сотиб олиш;

енгил автотранспорт воситалари (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда иштирок этувчи кичик мототранспорт воситалари бундан мустасно), жумладан, йўловчи ташувчи автомобиллар сотиб олиш;

маъмурий харажатларни тўлаш, жумладан, хизмат автомобиллари таъминоти;

бино ва иншоотлар сотиб олиш ва қуриш (Хунармандчиликни ривожлантириш дастури, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш дастури бўйича дала дўкони, уруғлик, минерал ўғит ва кўчат дўконлари ташкил қилиш бўйича кўзланган мақсадлар ҳамда енгил конструкцияли бино ва иншоотлар қуриш бундан мустасно) учун ажратилмайди.

6. Ягона электрон платформа фаолияти давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар ахборот тизимларининг марказий маълумотлар базалари ва идентификациялашнинг ягона тизими билан интеграциялашуви асосида ташкил этилади.

7. Чорвачиликни ривожлантириш йўналишида кредитлар ажратишда асосий эътибор сут йўналишидаги қорамол ҳамда совлиқ қўй ва эчки сотиб олишга қаратилади.

Сотиладиган чорва молларининг ҳар бири бўйича ветеринария хизматининг ветеринария паспорти бўлиши шарт.

8. Иссиқхоналарни ташкил этиш йўналишида кредит ажратишда устуворлик ҳудудлардаги ўзлаштирилмаган адир ерлардан фойдаланилаётган лойиҳаларга берилади.

9. Ички туризмни ривожлантириш йўналишида кредит ажратишда устуворлик оилавий меҳмон уйлар, хостеллар ва экоуйлар мажмуасини ташкил этиш ва уларни таъмирлаш бўйича лойиҳаларга берилади.

## **2-боб. Ягона электрон платформа орқали аризаларни кўриб чиқиш**

10. Дастурлар доирасида кредит аризалари қарз олувчи томонидан мустақил равишда ёки ҳоким ёрдамчиларининг кўмаги билан Ягона электрон платформа орқали тақдим этилади.

11. Кредит ажратиш тўғрисидаги аризалар барча босқичларда Ягона электрон платформада онлайн кўриб чиқилади ва ҳар бир босқичда қабул қилинган қарор тўғрисида платформа орқали (телеграм бот, СМС-хабарнома, электрон почта ёки шахсий кабинет) маълумот бериб борилади.

12. Қарз олувчи ариза билан биргаликда кредитдан самарали фойдаланиш бўйича ўзининг дастлабки ҳисоб-китобларини электрон кўринишда Ягона электрон платформа орқали тақдим этади.

13. Жисмоний шахсларга 33 миллион сўмгача бўлган миқдорда кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида ҳоким ёрдамчисининг тавсияномаси қабул қилинади. Бунда тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталайди.

14. Кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ҳунармандлар кредит олиш учун Ягона электрон платформа орқали бизнес-режа ва қонунчиликда белгиланган тартибда гаров таъминоти тўғрисидаги маълумотларни электрон кўринишда тақдим этади.

15. “Томорқа хизмати” МЧЖларга уруғлик ва кўчат, мотокультиватор ва минитрактор, инкубатор харид қилиш ҳамда айланма маблағ учун ажратиладиган гаровсиз кредитлар 3 йилгача муддатга паррандачилик (тухум йўналиши) ва бир ойлик озиқа учун йўналтирилиши мумкин. Бунда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари “Томорқа хизмати” МЧЖларга бериладиган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида қабул қилинади.

### **3-боб. Скоринг баҳолаш**

16. Ягона электрон платформа орқали аризалар белгиланган мезонлар асосида скоринг баҳолаш натижаларига кўра бир кун муддатда автоматлаштирилган ҳолда кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

17. Қуйидаги ҳолларда қарз олувчининг аризаси тизим томонидан скоринг маълумотлари асосида автоматик равишда рад этилади:

қарз олувчининг Ягона электрон платформада кўриб чиқиш жараёнида аризаси мавжуд бўлганда;

18 ёшга тўлмаган фуқаро номидан ариза берилганда;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга;

муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган ёхуд меҳнатга лаёқатсиз фуқаро номидан ариза берилганда;

қарз олувчининг дастур доирасида тўлиқ қайтарилмаган кредити мавжуд бўлганда;

қарз олувчининг банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлганда;

аввал ажратилган кредитлардан мақсадсиз фойдаланилганда;

салбий кредит тарихига эга бўлганда;

қарз олувчининг солиқ органлари, мажбурий ижро бюроси органлари ва бошқа тўловлардан қарздорлиги мавжуд бўлганда.

18. Скоринг натижасига кўра қарз олувчининг ижобий баҳоланган аризаси кўриб чиқиш учун ҳоким ёрдамчисига келиб тушади.

#### **4-боб. Ҳоким ёрдамчиси томонидан тавсиянома бериш**

19. Ҳоким ёрдамчиси қарз олувчининг аризасига асосан жойига чиққан ҳолда, унинг фаолият тури бўйича шарт-шароитлари, имконияти ҳамда етарли кўникмаси мавжудлигини ўрганиб, ўрганиш натижаси бўйича фотоҳисобот ва қарз олувчининг харитадаги жойлашувини илова қилган ҳолда кредит ажратиш учун тавсиянома ёки кредит ажратишни рад этиш тўғрисидаги хулосани беш иш куни мобайнида Ягона электрон платформага жойлаштиради.

20. Ҳоким ёрдамчиси тавсиянома беришдан аввал амалга оширилаётган лойиҳанинг ўзига хос хусусиятлари ва мавсумийлигини инобатга олган ҳолда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Хунарманд” уюшмаси, Бандликка кўмаклашиш ва маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги жамғармалар, “Ўзбекчорванасл” агентлиги ҳамда соҳага масъул уюшма ва ташкилотларнинг хулосаларини олиш ва улар орқали тегишли қарор қабул қилиш ваколатига эга.

Ҳоким ёрдамчисининг Ягона электрон платформа орқали юборган сўровига тегишли ташкилотлар томонидан уч иш куни мобайнида жавоб берилиши лозим.

Кредит ажратиш тўғрисидаги ариза бўйича тавсиянома бериш учун ҳоким ёрдамчиси томонидан тегишли ташкилотларнинг хулосасини олиш зарур бўлганда, қарор қабул қилиш тегишли муддатга узайтирилади.

Ҳоким ёрдамчиси қарз олувчининг лойиҳасини ўрганиш жараёнида лойиҳани амалга ошириш имкониятлари ва мавсумийлигидан келиб чиқиб, лойиҳага қарз олувчи билан келишган ҳолда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиши мумкин.

21. Қуйидаги ҳолларда тавсияномалар берилмайди:

лойиҳани амалга ошириш учун қарз олувчида шарт-шароит мавжуд бўлмаганда;

“етакчи” тадбиркорлик субъектлари ва “Томорқа хизмати” МЧЖлар билан кооперация асосида ишлаётган фуқароларга;

йил мавсумийлигидан келиб чиқиб, мавсумга хос бўлмаган ҳолда амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига;

ариза берувчи номидан бошқа фуқаро кредит олишни мақсад қилганлиги аниқланганда;

қонунчиликка зид бўлган фаолият амалга оширилиши аниқланганда.



22. Ҳоким ёрдамчиси томонидан кредит ажратишни рад этиш тўғрисидаги хулосада унинг сабаблари кўрсатилиши зарур.

Ҳоким ёрдамчисининг ижобий тавсияномаси асосида қарз олувчининг аризаси кўриб чиқиш учун Ягона электрон платформа орқали тижорат банкига тақдим этилади.

23. Тижорат банкида етарли ресурс маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, ҳоким ёрдамчиси томонидан аризалар аввал берилган кредитларнинг сўндирилиши ҳамда қўшимча маблағлар ажратилиши ҳисобидан ресурс шакллантирилгунга қадар Ягона электрон платформада электрон навбат асосида юритилади ва бу борада қарз олувчига тегишли маълумотлар бериб борилади.

### **5-боб. Тижорат банклари томонидан кредит ажратиш**

24. Ягона электрон платформага гаров таъминоти билан боғлиқ маълумотлар қарз олувчи томонидан электрон шаклда тақдим этилади.

25. Молиялаштирилладиган лойиҳаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, банкнинг ички кредит сиёсати талабларини инобатга олган ҳолда, қарз олувчидан қўшимча ҳужжатлар сўраб олиниши мумкин.

26. Тижорат банкларига тақдим этилган ҳужжатларда номутаносиблик, хато ва камчилик аниқланганда ҳамда зарур гаров таъминотлари тақдим этилмаганда, кредит ажратилиши рад этилади ва бу тўғрисида ҳоким ёрдамчиси ва қарз олувчи Ягона электрон платформа орқали хабардор қилинади.

27. Қарз олувчи бир ой ичида ҳужжатлардаги номутаносиблик, хато ва камчиликларни бартараф этиб, уларни тижорат банкига қайтадан тақдим этиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг рад этилиши учун асос бўлган камчиликлар қарз олувчи томонидан белгиланган муддат ичида бартараф этилиб, тижорат банкига тақдим қилинганда, ҳужжатларни кўриб чиқиш қарз олувчининг дастлаб тақдим этган аризаси асосида давом эттирилади.

28. Тижорат банклари томонидан кредит ажратиш тўғрисидаги қарор уч иш кунидан кеч бўлмаган муддатда қабул қилинади, ҳужжатлар электрон кўринишда шакллантирилади ва имзоланади.

Агар, тижорат банки томонидан кредит ажратиш рад этилганда, бу ҳақидаги қарор Ягона электрон платформага жойлаштирилади.

29. Тижорат банклари томонидан кредит ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, қарз олувчига кредит ҳисобидан сотиб олинладиган маҳсулот ва хизматларни электрон савдо майдонидан танлаш ҳақида SMS-хабарнома юборилади.



30. Кредит бўйича фоизлар қарз олувчи томонидан маҳсулот қабул қилиниб, кредит шартномасига асосан ҳақиқатда тўлаб берилган маблағ учун ҳисобланади.

### **6-боб. Маркетплейс тизимининг ишлаш тартиби**

31. Маркетплейс тизими маҳсулот ва хизматларни сотиш истаги бўлган барча тадбиркорлик субъектлари учун очиқ электрон савдо майдони ҳисобланади.

32. Барча тадбиркорлик субъектлари ўзларининг электрон рақамли имзолари ёрдамида маркетплейс тизимига кириб, ўз товар ва хизматлари тўғрисидаги маълумотларни мустақил равишда жойлаштириши ҳамда тизимнинг имкониятларидан эркин фойдаланиши мумкин.

33. Маркетплейс тизимида тадбиркорлик субъектлари ундан фойдаланиш тартиби ва шартлари билан танишганлиги ҳамда ушбу шартларга рози эканлиги тўғрисида электрон шаклдаги оммавий офертани имзолаш орқали иштирок этади.

Тадбиркорлик субъектларидан ўз товар ва хизматларини маркетплейс тизимига жойлаштирганлиги учун тўлов ундирилмайди.

34. Тижорат банки ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси тузилгандан сўнг ўн беш иш куни мобайнида маркетплейс тизимида қарз олувчи ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасида маҳсулот ва хизматларни етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилиб, электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши лозим.

Маҳсулот ва хизматларни етказиб бериш тўғрисидаги шартнома белгиланган муддатларда имзоланмаган тақдирда, Ягона электрон платформа орқали кредит шартномаси ва тавсиянома автоматик тарзда бекор қилинади.

35. Маҳсулот етказиб берувчи томонидан мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини кафолатлаш мақсадида шартнома белгиланган тартибда бекор қилингунга қадар шартнома қийматининг 3 фоизи миқдоридagi закат суммаси тизим томонидан банд қилиб қўйилади.

36. Маҳсулот етказиб берувчи томонидан қарз олувчига маркетплейс тизимида танлаган товар(лар) шартнома тузилган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда етказиб берилиши, хизматлар эса йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўрсатилиши лозим.

### **7-боб. Маҳсулот етказиб бериш тартиби**

37. Маҳсулот етказиб берилган ёки хизматлар кўрсатилгандан сўнг уларни топшириш-қабул қилиш мақсадида маҳсулот етказиб берувчи томонидан тизимнинг ўзида электрон ҳисоб-фактура расмийлаштирилади. Қарз олувчи маҳсулот ва хизматларни қабул қилиб олиб, қониқиш ҳосил қилганидан сўнг электрон ҳисоб-фактурани имзолайди.

38. Ҳисоб-фактура имзоланганлиги тўғрисида ҳоким ёрдамчисига Ягона электрон платформа орқали хабар берилади. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида жойига чиққан ҳолда, товарлар ҳақиқатдан етказиб берилганлиги ёки берилмаганлиги (хизматлар кўрсатилганлиги ёки кўрсатилмаганлиги) тўғрисида фотоҳисобот шаклида электрон далолатнома тузади. Бунда ҳоким ёрдамчиси қарз олувчининг шахсини тасдиқлаш учун биометрик идентификациялашдан фойдаланади (Touch ID ва Face ID).

39. Тижорат банкларига тўлиқ имзоланган электрон ҳисоб-фактура ҳамда ҳоким ёрдамчиси томонидан тасдиқланган электрон далолатнома ушбу маҳсулотлар (хизматлар) учун тўловни амалга оширишга асос бўлади.

40. Етказиб берилган маҳсулот ва хизматлар учун тўловлар банк томонидан бир банк иш кунида маҳсулот етказиб берувчига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шундан сўнг маҳсулот етказиб берувчининг закатат суммасидан маркетплейс тизимининг хизмати учун белгиланган тўлов оммавий офертага асосан шартнома суммасининг 0,1 фоизидан ошмаган, лекин БҲМнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда автоматик тарзда ундирилади ва закатат суммасининг қолдиқ қисми маҳсулот етказиб берувчига қайтариб берилади.

41. Ҳоким ёрдамчиси томонидан маҳсулот етказиб берилмаганлиги ёки хизматлар кўрсатилмаганлиги тўғрисида электрон далолатнома расмийлаштирилганда, қарз олувчи ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасида тузилган шартнома шартлари тўлиқ бажарилиши ёки шартнома бекор қилиниши лозим.

42. Маҳсулот етказиб берувчи томонидан мавжуд камчиликлар бартараф этилган ҳолда маҳсулот етказиб берилиб, шартнома шартлари тўлиқ бажарилганда, ҳоким ёрдамчиси уч иш куни мобайнида жойига чиққан ҳолда такроран ўрганиш ўтказиши ва фотоҳисобот шаклида қайтадан электрон далолатнома тузади.

Такрорий ўрганишларда маҳсулот етказиб берувчи томонидан маҳсулотлар етказиб берилмаганлиги ёки хизматлар кўрсатилмаганлиги аниқланган тақдирда, қарз олувчи маркетплейс тизимидан бошқа маҳсулот етказиб берувчини танлаб, шартнома тузиши мумкин.

43. Маҳсулот етказиб берувчи томонидан етказиб берилган маҳсулот (хизмат) сифати таъминланганлиги ва белгиланган талабларга риоя этилганлиги фуқаролар томонидан баҳоланади ва ушбу баҳолаш натижалари жамоатчилик учун эълон қилинади.

#### **8-боб. Маҳсулот етказиб берувчиларни маркетплейс тизимида иштирок этишдан четлатиш тартиби**

44. Туман (шаҳар) марказлари қуйидаги ҳолларда маҳсулот етказиб берувчини маркетплейс тизимида иштирок этишдан четлатади ва Ноҳалол таъминотчилар реестрига киритади:

маҳсулот етказиб берувчи ва қарз олувчи ўзаро келишган ҳолда кредит маблағини нақдлаштириш орқали мақсадсиз ишлатилганлиги аниқланганда;

маҳсулот етказиб берувчи томонидан 3 ва ундан ортиқ шартнома бўйича маҳсулотлар етказиб берилмаганлиги ёки хизматлар кўрсатилмаганлиги аниқланган тақдирда;

унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;

ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;

маҳсулот етказиб берувчи томонидан таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматлар малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

маҳсулот етказиб берувчи кредитни ажратиш ва (ёки) маҳсулотларни танлаш (етказиб бериш) жараёнида қарз олувчилар томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида қарз олувчининг, тижорат банкларининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

маҳсулот етказиб берувчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса.

45. Туман (шаҳар) марказларининг маҳсулот етказиб берувчини маркетплейс тизимида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг автоматик равишда маркетплейс тизимидан четлатилади ҳамда Ноҳалол таъминотчилар реестри маркетплейс тизимида жамоатчилик учун эълон қилинади.

46. Ноҳалол таъминотчилар реестрига киритилган таъминотчининг бир йил давомида маркетплейс тизимида иштирок этиши мумкин эмас, ушбу муддат тугаганидан кейин таъминотчи Ноҳалол таъминотчилар реестридан чиқарилган ҳисобланади.

Таъминотчи туман (шаҳар) марказларининг маҳсулот етказиб берувчини маркетплейс тизимида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарори устидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақли.

### **9-боб. Ҳудудий ва туман (шаҳар) марказларининг вазифалари**

47. Ҳудудий ва туман (шаҳар) марказларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳудудда фаолият юритаётган маҳсулот етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни шакллантириш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари талабларини тўлиқ қондириш имкониятларини ўрганиб бориш;

зарур ҳолларда туман (шаҳар)даги мавжуд талабдан келиб чиқиб янги маҳсулот етказиб берувчи корхоналарни жалб қилиш ва мавжуд корхоналар қувватларини ошириш бўйича тегишли чоралар кўриш;

маҳсулот етказиб берувчи томонидан етказиб берилаётган маҳсулотлар ҳамда кўрсатилаётган хизматлар нархларининг ҳудуддаги ички бозорга мутаносиб бўлишини таъминлаш ҳамда нархлар сунъий оширилишининг олдини олиш бўйича қатъий назорат ўрнатиш;

етказиб берилаётган маҳсулотлар ҳамда кўрсатилаётган хизматларнинг сифати кафолатлигини ҳамда ўз вақтида етказиб берилишини (кўрсатилишини) назорат қилиш;

ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда дастурлар доирасида ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг самарадорлигини мониторинг қилиб бориш ҳамда кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши бўйича сектор раҳбарлари ва тижорат банклари билан биргаликда тегишли чоралар кўриш;

дастурлар доирасида ажратилган кредитларнинг мақсадсиз ишлатилиши аниқланган тақдирда, бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда тижорат банкига хабар бериш;

чорвачилик йўналишларидаги аризалар бўйича хулосалар четдан келтирилган ёки маҳаллийлаштирилган (наслчилик хўжаликларида етиштирилган) насли чорва молларини етказиб берувчининг мавжуд чорва моллари сонига мутаносиб тарзда тақдим этилишини ҳамда чорва молларининг соғломлиги тўғрисида ветеринария паспорти бўлишини таъминлаш.

48. Маҳсулот етказиб берувчининг мажбуриятлари ўз вақтида ва сифатли бажариши юзасидан мониторинг туман (шаҳар) оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари томонидан амалга оширилади. Мониторинг натижаларига кўра маҳсулот етказиб берувчининг маркетинг тизимидаги ўз хизматларини тақлиф этиш имконияти даврий равишда ўрганиб чиқилади.

49. Туман (шаҳар) марказлари ҳар ой якуни билан ҳоким ёрдамчиси томонидан тавсияномалар Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ва ушбу Низом талабларига мувофиқ ҳудуднинг ихтисослашуви, драйвер йўналиши ва доимий иш ўринлари яратилишига эътибор қаратилган ҳолда берилганлигини ўрганади.

50. Давлат солиқ кўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан маркетинг тизимидаги савдо майдони орқали маълум бир давр мобайнида катта миқдорда товар айланмасини амалга оширган корхоналарда ҳақиқатда товарларнинг мавжудлиги доимий таҳлил қилиб борилади.

Бунда ҳар ойда ушбу корхоналар бўйича Марказий банк ва Давлат солиқ кўмитаси ўртасида маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилади.

## 10-боб. Якунловчи қоидалар

51. Тижорат банклари дастурлар доирасида ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши мониторингини ўтказишда улардан бошқа мақсадда фойдаланилган ҳолатларни аниқлаган тақдирда, белгиланган тартибда кредитларни муддатидан олдин ундириш ҳуқуқига эга.

52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 20 декабрдаги ПҚ–55-сон қарорига асосан белгиланган дастур координаторлари маркетплейс тизимида иштирок этадиган маҳсулот етказиб берувчиларга қўйиладиган талабларни белгилаш ҳамда уларга ўзгартириш киритиш ваколатига эга ҳисобланади.

53. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

